ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ № DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

Т.Н.ҚОРИ НИЁЗИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ЗЕМЛИНА ЮЛИЯ ВЯЧЕСЛАВОВНА

ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА УМУМТАЪЛИМ МУАССАСАСИ РАҲБАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлари тариҳи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2021

УДК: 37; 371; 113. 1

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD) по педагогическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctoral of Philosophy (PhD) on pedagogical sciences

Землина Юлия Вячеславовна
Инновацион таълим муҳитида умумтаълим муассасаси раҳбарининг касбий компетентлигини ривожлантириш 3

Землина Юлия Вячеславовна
Развитие профессиональной компетентности руководителя общеобразовательного учреждения в условиях инновационной образовательной среды 23

Zemlina Yulia Vyacheslavovna
Development of professional competence of the head of a General education institution in an innovative educational environment…… 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 47

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ № DSc.03/30.01.2021.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

Т.Н.ҚОРИ НИЁЗИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ЗЕМЛИНА ЮЛИЯ ВЯЧЕСЛАВОВНА

ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА УМУМТАЪЛИМ МУАССАСАСИ РАҲБАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлари тариҳи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Ped891 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tdpu.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Махмудов Абдулхалим Хамидович**
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Ибрагимов Халбай Ибрагимович**
педагогика фанлари доктори, профессор

Мардонов Шукрулло Кулдашевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Гулистон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй. Тел.: (99871) 254-92-02; факс: (99871) 215-54-20; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Докторлик диссертацияси билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган).

Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй. Тел.: (99871) 254-92-02; факс: (99871) 215-54-20.

Диссертация автореферати 2021 йил «___ « _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Б.С.Абдуллаева
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Р.Г.Исянов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, п.ф.н., доцент

Н.А.Муслимов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раис ўринбосари, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим муассасалари раҳбар кадрларини таълим муассасасини муваффақиятли бошқариш учун раҳбарда менеджер сифатлари фаол равишда жамланишини ривожлантиришнинг креатив-модулли таълим технологиялари Россия, АҚШ, Франция, Жанубий Корея давлатларида таълим жараёнига татбиқ этилмоқда. Таълим муассасаси раҳбарининг касбий компетенцияларни мунтазам ривожлантириш, бозор иқтисодиёти ва инновациялар шароитида раҳбарнинг менежерлик фаолиятини такомиллаштириш бўйича йирик лойиҳаларни амалиётга жорий этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида замонавий таълим тамойили «life-long learning» - «ҳаёт давомида ўрганиш» асосида таълим муассасаси раҳбарининг касбий компетентлигини узлуксиз ошириш мотивациясини шакллантириш, раҳбарнинг касбий компетентлигини мунтазам баҳолаш, малака ошириш имкониятларини кенгайтириш, шахсий ўсиш эҳтиёжларини таълим муассасаси эҳтиёжлари билан мослаш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Инновацион таълим муҳитида таълим муассасаси раҳбари назарий билимларини такомиллаштириш, касбий компетентлигини диагностикалаш, бошқарув кадрлари ахборот технологиялари бўйича компетентлигини ривожлантириш, масофадан ўқитиш шаклларини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда мактаб таълимини инновацион ривожлантириш, раҳбардан тиришқоқлилик, ташаббускорлик, шахсий-касбий фазилатларни ривожлантириш, янги шароитларга тез мосланиш ва унинг истиқболини белгилаш моддий техника базани кенгайтиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилмоқда. «...Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»[1] устувор вазифа сифатида белгиланди. Шу нуқтаи-назардан, ўз касбий мақсадларини аниқ амалга оширадиган, ҳар бир янги ташаббусга очиқ ва инновацияларга нисбатан оптимистик қарашда бўлган умумтаълим муассасасининг фаол ва ҳаракатчан раҳбарини шакллантириш ва ривожлантиришнинг самарали механизмларини яратиш имконияти кенгаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538 сон “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2021 йил 25 январдаги

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракат стратегияси тўғрисида”ги фармони //Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳужжатлар тўплами – Т; 2017 – б. 37.

ПҚ-4963-сон “Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши ҳам муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таълим муассасалари ўқитувчилари ва раҳбар кадрларнинг касбий компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг назарий ва услубий муаммолари ҳамда таълим муассасаларида сифат менежменти тизимини такомиллаштириш А.Арипджанова, Р.Ахлидинов, Н.Ахмедова, У.Бегимкулов, А.Бегматов, Р.Джураев, Я.Исмадияров, Р.Исянов, Ж.Йўлдошев, М.Йўлдошев, М.Лутфиллаев, А.Махмудов, М.Мирқосимова, Н.Муслимов, Н.Рахмонқулова, Р.Сафарова, Н.Тайлаков, С.Турғунов, М.Уразова, К.Шодмонов, Ш.Қурбоновларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Инновацион фаолият ва инновацион таълим муҳитининг назарий ёндашувлари ҳамда касбий компетенцияларни ривожлантириш диагностикаси В.Аванесов, Б.Ананиев, А.Анастази, П.Анисимов, С.Архангелский, И.Байденко, В.Беспалько, И.Варганова, Н.Гришина, Л.Давида, И.Задорожняя, Э.Зеер, И.Зимняя, Н.Кузмина, Г.Левкин, Н.Найденова, Г.Поташник, Н.Скачкова, В.Сластенин, Э.Тонконогий, П.Третяков А.Хуторский, В.Шадриковларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Педагогик ва бошқарув кадрларини касбий компетентлиги такомиллаштириш A.Amadco, I.Allen, R.Boyasis, B.Cole J.Goldberg, K.Kameron, D.Keegan, H.Kappel, R.Kuinn, B.Lehmann, J.Loeper, B.Holmberg, M.Dougiamas, J.Seaman, P.Taylorларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг И-ОТ-2019-8 сонли «Табиий фанлар (физика ва биология) бўйича янги авлоднинг электрон ўқув қўлланмаларини яратиш” лойиҳаси доирасида бажарилган (2019-2020 йй).

Тадқиқотнинг мақсади инновацион таълим муҳитида умумтаълим муассасаси раҳбарларининг касбий компетентлигини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

республика ва хорижий умумтаълим муассасаси раҳбарининг фаолиятини фалсафий, педагогик, психологик имкониятларини тизимли таҳлил қилиш;

умумтаълим муассасаси раҳбарининг касбий компетентлигини ривожлантириш босқичларини такомиллаштириш;

умумтаълим муассасаси раҳбарининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг концептуал моделини такомиллаштириш;

умумтаълим муассасаси раҳбарининг касбий компетентлик даражасини баҳолашнинг диагностик мотивларини ривожлантириш.

Тадқиқотнинг объекти инновацион таълим муҳитида умумтаълим муассасаси раҳбарининг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёни бўлиб, Буҳоро ва Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги 364 нафар раҳбар кадрлари иштироқ этди.

Тадқиқотнинг предмети инновацион таълим муҳитида умумтаълим муассасаси раҳбарининг касбий компетентлигини ривожлантириш методлари, шакллари ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Мақсадга эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун тадқиқот жараёнида илмий-методик адабиётларни қиёсий ўрганиш, тизимли таҳлил, педагогик диагностика, сўровнома, интервью, илмий прогноз, моделлаштириш, импакт мониторинг, педагогик тажриба-синов, математик-статистик ва маълумотларни қайта ишлаш, интерпретация ҳамда корреляцион таҳлил каби назарий, эмпирик ва квалиметрик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умумтаълим мактаб раҳбарининг касбий компетентлик даражаси мотивацион ва когнитив омилларни ҳисобга олган ҳолда, улар фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи ахборот-дидактик таъминот, тадқиқот-инновацион, ижтимоий-иқтисодий фаолиятини шахсга йўналтирилган ёндашув асосида такомиллаштирилган;

раҳбар касбий малакасини ривожлантиришнинг ташкилий-дидактик модели, тингловчиларнинг ўзини ўзи ривожлантириш фаолияти ҳамда илғор хорижий тажрибаларнинг таълимий-дидактик имкониятлари раҳбарларнинг ташаббускорлик, тадқиқотчилик, креативлик, жамоада ишлаш ва ўз-ўзини ривожлантириш компетентлигини ошириш уйғунлигининг ривожлантириш бўйича диагностик мотивларини аниқлаштириш асосида такомиллаштирилган;

умумтаълим мактаб раҳбарининг касбий билимлари ахборотларни таҳлил қилиш ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятда субъект-субъект муносабатларига устуворлик бериш ҳамда адекват ривожлантириш босқичлари информацион дунёқараш, янги ахборотларни ўзлаштириш ва билимларни қўллаш мотивларини ўсиш динамикасининг миқдорий ва сифат даражаси барқарорлигини уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган;

умумтаълим мактаб раҳбарининг мустақил таълим орқали узлуксиз малака ошириш жараёни “Умумтаълим муассасаларининг инновацион раҳбари” “www. direktor-shkoli.uz” номли яратилган веб-сайти ўзини ўзи баҳолаш даражасини ифодаловчи режалаштирилганлик, ташкил этилганлик, мотивация, назорат, мувофиқлаштирилганлик каби индикаторлар таркиби орқали ташкил этиш бўйича такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Умумтаълим муассасаси раҳбарининг касбий компетентлигини ривожлантириш» модулли курсининг муаллифлик дастури ишлаб чиқилган;

умумтаълим муассасаси раҳбарининг касбий компетентлигининг ривожланганлик даражасини баҳоловчи дифференциал диагностик тест мажмуаси ишлаб чиқилган;

умумтаълим муассасаси раҳбарининг касбий компетентлигини ривожлантириш тизимининг босқичма-босқич жорий этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги расмий манбаларга асосланган ҳолда ёндашувлар, усуллар ва назарий қоидалардан фойдаланилганлиги, тадқиқот натижалари ва экспериментал ишларнинг математик-статистик усуллари самарадорлиги, компетентлилиги ташкилотлар томонидан олинган хулосалар, таклифлар, тавсиялар ва натижаларнинг бажарилиши билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти «таълим муассасаси раҳбарининг касбий компетенцияси» тушунчасининг мазмуни, моҳияти ва тузилишини чуқур таҳлил қилинишида, инновацион таълим муҳити шароитида умумтаълим муассасаси раҳбарининг касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини ва умумтаълим муассасаси раҳбарининг касбий компетентлигини ривожлантириш педагогик моделини такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти умумтаълим муассасаси раҳбарининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг амалий механизмларини такомиллаштирилганлиги, умумтаълим муассасаси раҳбарининг касбий компетентлигини ривожланганлик даражасини баҳоловчи дифференциал диагностик тест мажмуаларини ишлаб чиқилганлиги, раҳбар кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими учун муаллифлик дастурини ишлаб чиқилганлиги ва татбиқ этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инновацион таълим муҳитида умумтаълим муассасаси раҳбарининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг илмий натижалари асосида:

умумтаълим мактаб раҳбарининг касбий компетентлик даражаси мотивацион ва когнитив омилларни ҳисобга олган ҳолда улар фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи ахборот-дидактик таъминот, тадқиқот-инновацион, ижтимоий-иқтисодий фаолиятини такомиллаштиришга оид таклифлар И-ОТ-2019-8 рақамли «Табиий фанлар (физика ва биология) бўйича янги авлоднинг электрон ўқув қўлланмаларини яратиш” инновацион лойиҳасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 сентябрдаги 89-03-3289-сон маълумотномаси). Натижада, республика ва хорижий умумтаълим муассасаси раҳбарининг фаолиятини фалсафий, педагогик, психологик имкониятларини тизимли таҳлил қилиш имкнияти оширилган;

раҳбар касбий малакасини ривожлантиришнинг ташкилий-дидактик модели, тингловчиларнинг ўзини ўзи ривожлантириш фаолияти ҳамда илғор хорижий тажрибаларнинг таълимий-дидактик имкониятлари раҳбарларнинг ташаббускорлик, тадқиқотчилик, креативлик, жамоада ишлаш ва ўз-ўзини ривожлантириш компетентлигини ошириш уйғунлигининг ривожлантириш бўйича диагностик мотивларини аниқлаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар ИТД-1-53 рақмли "Узлуксиз таълим тизимида ўрта бўғин бошқарув кадрларини танлаш, тайёрлаш ва ўрнига қўйишга замонавий ёндашувлар" номли грант доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланишда амалда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 сентябрдаги 89-03-3289-сон маълумотномаси). Натижада, умумтаълим муассасаси раҳбарининг касбий компетентлигини ривожлантириш босқичларини аниқлаш имконияти яратилган.

умумтаълим мактаб раҳбарининг касбий билимлари ахборотларни таҳлил қилиш ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятда субъект-субъект муносабатларига устуворлик бериш ҳамда адекват ривожлантириш босқичлари информацион дунёқараш, янги ахборотларни ўзлаштириш ва билимларни қўллаш мотивларини ўсиш динамикасининг миқдорий ва сифат даражаси барқарорлигини уйғунлштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар ИТД-1-53 рақмли Узлуксиз таълим тизимида ўрта бўғин бошқарув кадрларини танлаш, тайёрлаш ва ўрнига қўйишга замонавий ёндашувлар номли грант доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланишда амалда фойдаланилган. Натижада, умумтаълим муассасаси раҳбарининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг концептуал моделини такомиллаштириш даражаси оширилган.

умумтаълим мактаб раҳбарининг мустақил таълим орқали узлуксиз малака ошириш жараёни "Умумтаълим муассасаларининг инновацион раҳбари" "www. direktor-shkoli.uz" номли яратилган веб-сайти ўзини ўзи баҳолаш даражасини ифодаловчи режалаштирилганлик, ташкил этилганлик, мотивация, назорат, мувофиқлаштирилганлик каби индикаторлар таркиби орқали ташкил этиш бўйича такомиллаштиришга оид таклифлар ИТД-1-171 рақамли "Талабаларни олий педагогик таълим тизимида раҳбарлик фаолиятига тайёрлаш структурасини ишлаб чиқиш" номли грант доирасида белгиланган вазифлар ижросини таъминлашда амалда фойдаланилган. Натижада, умумтаълим муассасаси раҳбарининг касбий компетентлик даражасини баҳолашнинг диагностик мотивларини ривожлантириш имконияти оширилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида синовдан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий ва услубий ишлар нашр этилган: шулардан 1 та ўқув қўлланма, 8 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий-услубий журналларда (1 таси чет эл

журналида), 10 таси эса халқаро ва республика илмий-амалий конференциялар материаллари тўпламларида ҳамда республика журналларида чоп эттирилди ва муҳокамадан ўтказилди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва адабиётлар рўйхати, иловадан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, зарурати, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, унинг фан ва технологиялар ривожининг устувор йўналишларига мослиги асосланиб, ишнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинган ишлар ва тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг «**Умумтаълим муассасаси раҳбарининг касбий компетентлигини ривожлантириш муаммосининг ҳолатини тизим таҳлили**» деб номланган биринчи бобида умумтаълим муассасаси раҳбарининг фаолиятини мавжуд маҳаллий ва хорижий тажрибаси таҳлил қилинган, “касбий компетентликнинг” тузилиши ва мазмуни ўрганилиб, “касбий компетентлик”ни ривожланишига таъсир қилувчи асосий омиллар аниқланган.

Умумтаълим муассасаси раҳбарининг бошқарув фаолиятига бағишланган кўплаб тадқиқотлар ва илмий-услубий ишлари амалга оширилган. Шу билан бирга, умумтаълим муассасаси раҳбари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг касбий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш механизмлари ҳамда раҳбарнинг инновацион фаолиятга тайёрлиги етарли даражада ўрганилмаган. Бизнинг фикримизча, «раҳбарнинг касбий компетентлик» тушунчаси «раҳбарнинг бошқарув фаолияти» (менеджмент) тушунчасига нисбатан анча кенгроқ ва мураккабдир. Шунинг учун, «раҳбарнинг касбий компетентлик» тушунчаси «раҳбарнинг бошқарув фаолияти» тушунчани ўз ичига қамраб олади.

Диссертацияда АҚШ, Германия, Буюк Британия, Россия, Жанубий Корея ва бошқа ривожланган давлатларининг умумтаълим муассасаси раҳбарининг фаолияти ўрганилиб чиқилди ва ушбу таҳлилар асосида уларнинг касбий компетентликнинг ўзига хос хусусиятлари аниқлаштирилди. Жумладан Европа, АҚШ ва Канада умумтаълим муассасаси раҳбарининг касбий компетентлиги ўзига хос фаолиятларни ва бошқа компетенцияларини ўз ичига олади.

Я.Исмадияров раҳбарнинг касбий фаолияти – бу таълим жараёнига инновацион технологияларни жорий этиш зарурати билан асосланиб, доимий ривожланишга қаратилган кўп структурали тизимдир деб таърифлайди. Инновация тушунчаси динамик бўлиб, вакт нуктаи-назардан мослашувчан бўлганлиги сабабли, таълим муассасаси раҳбарининг касбий фаолиятида сезиларли таркибий ўзгаришлар рўй беради.

Шу билан бирга, М.Коннолли мактаб раҳбарининг компетентлик структурасида бошқариш ва етакчилик сифатларини алоҳида эътироф қилган

ҳолда касбий фаолиятда бошқарув жараёни асосий бўғин эканлигини ва унда “таълим масъулиятини” ажратиб кўрсатади.

В.Якунин касбий компетентликни таълим ва ўз-ўзини тарбиялаш компонентлари орқали изоҳлайди. Унинг тадқиқотларига кўра, бошкарув компетенция бу билимларнинг назарий ва амалда кўлланишига асосланади.

Шарқий Осиёнинг ривожланган мамлакатлари, хусусан, Жанубий Кореядаги умумтаълим муассасаси раҳбарининг фаолияти таҳлили уларда математик, коммуникатив, ахборот, таҳлилий, ижтимоий-маданий компетентлик билан бир қаторда, таълим функцияларини амалга оширишга ва ўқувчиларда фуқаролик ва ватанпарварлик туйғуларини тарбиялашга қаратилган компетентликни аниқлашга имкон берди.

Россия Федерациясида мактаб таълимини бошқариш тизимининг ўзига хос хусусиятларини таҳлили - марказлаштирилган вертикал (вазирликдан туман халқ таълими бўлимига қадар), давлат таълим стандартлари асосида таълим жараёнини амалга ошириш ва таълим муассасалари фаолиятини билвосита ҳукумат томонидан молиялаштиришдан иборатлигини акс эттирди.

Мавжуд халқ таълими тизимини бошқариш қуйидаги омилларни ҳисобга олган ҳолда «ижро этувчи» директорга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир: юқори ҳокимият органлари олдида ҳисобдорлик, давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини амалга оширишнинг қатъийлиги ва тартибга солиниши, моддий ва молиявий ресурсларни бошқаришда мустақилликнинг йўқлиги, инновацион ва услубий вазифалар бўйича қарорларни қабул қилишда кўплаб тасдиқларнинг зарурлиги, инновацион таклифлар ва илғор тажрибадан фойдаланиш, ўқитувчилар таркибини шакллантириш учун чекланган имкониятлар ва бошқ. Бу ҳолат мактаб раҳбарининг касбий компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилмаган. Касбий компетентлик ижтимоий-иқтисодий, ахлоқий ва эстетик, ижодий, тадқиқот, услубий, конструктив дизайн ва бошқа компетенциялар асосида ривожланиши аҳамиятлидир. Ушбу хулосалар Ўзбекистоннинг турли мактабларида ўқув муассасалари раҳбарларининг анкеталари, сўровномалари ва тестлари асосида ўтказилган тажрибалар билан тасдиқланганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотда умумий таълим муассасаси раҳбари фаолиятининг мавжуд маҳаллий ва хорижий тажрибасини таҳлиллари шуни кўрсатадики, касбий компетентентлигини ривожлантириш муаммоси қуйидаги илмий ва услубий вазифаларни ўрганишни талаб қилади: касбий компетентлигининг ўзига хослиги ва мазмунини очиб бериш; инновацион таълим муҳити шароитида касбий компетентликни амалга ошириш самарадорлигига таъсирнинг этувчи омилларини аниқлаш; умумий таълим муассасаси раҳбари шахсининг компетентлик моделини ишлаб чиқиш.

Диссертацияда юқоридаги муаллифларнинг ишлари ва бошқа илмий-тадқиқот манбаларни таҳлил қилиш асосида таълим муассасаси раҳбарининг «касбий компетентлик» мазмунини очишда қуйидаги учта йўналишни борлиги

намоён бўлди: якуний натижага кўра, бажарилган функцияларга мувофиқ, малака таркибий қисмларига эга бўлиши аниқланган.

Юқоридаги тадқиқотлар ва бошқа илмий-тадқиқот манбаларда келтирилган «касбий компетентлик» тушунчасининг талқинларини умумлаштириш асосида ушбу тушунчанинг қўйидаги муҳим хусусиятлари қайд этилган: касбий компетентлик - раҳбар шахсининг интеллектуал, эмоционал, мотивацион, психологик, ахлоқий, ғоявий, касбий ва бошқа фазилатларининг яхлитлиги, таркибий қисмларнинг тузилиши, таркибининг мураккаблиги ва уларнинг ўзаро таъсири, ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар тизими орқали касбий компетенцияни ривожлантириш даражасини кўп ўлчовли баҳолашни тақозо этилиши, таркибий қисмларнинг узлуксиз алоқаси ва ўзаро таъсири сифатида изчиллилиги, раҳбарнинг функционал вазифаларининг хилма-хиллигида акс эттирилган кўп қирралилиги.

Умумтаълим муассасаси раҳбарининг касбий компетентлигини тизимли-функционал таҳлил қилиш ўз таркибида турли хил функциялар тўпламини ажратиб кўрсатишга имкон берди: услубий, психологик, педагогик, тарбиявий, дидактик, маънавий-ахлоқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-мафкуравий, ахлоқий-эстетик, назорат-тақсимлаш, тадқиқот-инновацион, конструктив-лойиҳалаш, башорат-диагностик ва бошқа кўникмалар назарда тутилган.

Юқоридаги функцияларни тизимлаштириш ва умумлаштириш умумтаълим муассасаси раҳбари фаолиятининг замонавий йўналишларини ажратиб кўрсатишга имкон беради: ўқув-услубий, дидактик-диагностик, тадқиқот-инновацион, маънавий-тарбиявий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-бошқарув.

Юқорида қайд этилган фаолият йўналишлари доимий равишда ўзаро боғлиқликда ва узлуксиз ўзаро алоқада бўлиб, умумтаълим муассасаси раҳбарининг кўп қиррали ва кўп векторли фаолиятини акс эттиради.

Диссертацияда таълим муассасалари раҳбарлари фаолиятининг мавжуд тажрибаси таҳлили, уларнинг фаолияти самарадорлиги маълум даражада муайян мактаб шароитларига боғлиқлиги аниқланди: мактабнинг функционал хусусиятларига кўра (давлат ва нодавлат, мактаб-интернатлар, ихтисослаштирилган, ихтисослаштирилган синфларнинг мавжудлиги, алоҳида фанларни чуқур ўрганадиган синфлар ва бошқалар), мактаб инфратузилмасини ривожланганлик даражасига кўра: турли халқаро ва маҳаллий таълим маълумот манбаларига кириш имконияти; ўқув жараёнини автоматлаштириш, спорт, маданий, тиббий ва бошқа таркибий қисмларнинг ишлаши ва бошқалар, талабалар контингентига кўра (мактаблардаги ўқувчилар сони ва синфлар сони), мактабнинг географик жойлашуви (илмий, маданий, спорт, ахборот ва бошқа инфратузилма объектларига яқинлиги), профессор-ўқитувчилар таркибининг касбий салоҳияти ва бошқалар (таълим даражаси, тоифаларга ажратиш, ўқитувчиларнинг ижодий фаолияти ва инновационлиги) билан муҳим аҳамият касб этди.

Умумтаълим муассасаси раҳбарининг касбий компетенцияси ривожланиш даражасига таъсир қилувчи қуйидаги омиллар гуруҳлари аниқланди: педагогик,

психологик, ижтимоий, иқтисодий, ташкилий ва бошқарув, ғоявий, ҳуқуқий, маънавий, тарихий ва ахлоқий.

Диссертациянинг «**Умумтаълим муассасаси раҳбарининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг илмий-методологик жиҳатлари**» номли иккинчи бобида умумтаълим муассасаси раҳбарининг касбий компетентлик даражасини тизимли ошириб боришда асосий талаблари ва тамойиллари аниқланди, умумтаълим муассасаси раҳбарининг касбий компетентлигини ошириш шаклларининг таркиби ва мазмуни, касбий компетентликни ривожланганлик даражасини баҳоловчи диагностик воситалар ишлаб чиқилди.

Мактаб таълими тизимидаги мавжуд вазиятни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, раҳбарларда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш учун тегишли компетенциялар етишмайди. Шундай қилиб, бошқаришда пайдо бўлаётган муаммолар ва қийинчиликларнинг аксарияти айнан раҳбарларнинг касбий компетентлигини етарли даражада ривожланмаганлиги билан боғлиқ.

Умумтаълим муассасаси раҳбарининг касбий компетенцияси даражасини мунтазам равишда ошириш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш учун умумтаълим муассасасини бошқаришнинг умумий тамойиллари аниқланди: педагогик тизим бошқарувини демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш; бошқарувдаги тизимлилик ва яхлитлик; марказлаштириш ва демарказлаштиришни рационал уйғунлиги; раҳбарлик ва коллегиалликни уйғунлиги; таълим тизимини бошқаришда ахборотнинг объективлиги ва тўлиқлиги; тизим тузилмаси; диагностика ва ошкоралик (очиқлик).

Юқорида келтирилган тамойилар умумтаълим муассасаси раҳбарининг «касбий компетентлик» тушунчасини тизимли ва чуқур тушунишга ёрдам беради ва умумтаълим муассасаси раҳбарининг касбий компетентликнинг маълум бир салоҳиятига (даражасига) эга эканлигини тасдиқлашимизга имкон беради, бу унинг даражасини ўсиши ёки пасайишидаги динамик ўзгаришлар билан тавсифланади. Бинобарин, касбий компетенцияни ривожлантириш жараёни ушбу компетенция салоҳиятининг динамик ўсиши нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши керак. Умумтаълим муассасаси раҳбарининг потенциалнинг қиймати умумий таълим муассасаси раҳбарининг касбий компетентлигидаги динамик ўзгаришларнинг миқдорий кўрсаткичи этиб белгиланди. Раҳбарнинг касбий потенциали қийматини аниқлашда амалий формуласини олиш учун унда ўзаро боғлиқ ва ўзаро боғлиқ бўлган компетенциялар гуруҳи (потенциали) ажратиб олинган: илмий ва услубий, инновацион ва ижодий, ижтимоий-иқтисодий, психологик-педагогик, маънавий-дунёқараш, ташкилий-бошқарув.

Юқорида кўриб чиқилган компетенциялар гуруҳларининг умумийлиги умумтаълим муассасаси раҳбарининг кўп қиррали ва кўпвекторли фаолиятини акс эттиради.

Инновацион таълим муҳитида таълим муассасаси раҳбарининг касбий фаолиятини ривожлантириш модели раҳбар фаолиятини психологик-педагогик

ривожлантириш жараёнининг тизимли ва доимий диагностика қилиб баҳолаб бориш имкониятларини ўзида акс эттиради.

Умумтаълим муассасаси раҳбарининг касбий компетенлигини ривожлантириш концептуал моделининг психологик-педагогик асослари бу жараённинг тизимли, доимий ривожланиши ва доимий диагностика қилиб бориш ҳисобланади.

1-расм

1-расм. Умумтаълим раҳбарнинг касбий компетенлигини ривожлантириш механизмлари

Моделнинг тузилиши касбий компетентликни ривожлантиришнинг учта психологик-педагогик механизмини ўз ичига олади: малака ошириш институтлари ва марказлари; раҳбарнинг ўзини ўзи ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича фаолияти; илғор тажрибаларни (инновацияларни) идрок этиш ва таҳлил қилиш бўйича тадбирларни амалга оширади. Уларнинг муҳими ва аҳамияти жиҳатидан бири бирига тенгдир. Уларнинг тузилиши ва мазмунини батафсил таҳлил қилиш мақсадида улар шартли равишда биринчи, иккинчи ва учинчи деб белгиланди.

Биринчи механизм (малака ошириш институтлари ва марказлари) таркибий жихатдан: вақт ресурслари (курсларда ўқитиш давомийлиги), дидактик компоненти (фанларни ўрганиш дастурлари, фанлар учун ўқув-услубий мажмуалар, вазифа банклари, синф ва синфдан ташқари ишлар ва бошқаларни), диагностик компоненти (ўқитиш сифатини назорат қилиш

шакллари ва воситалари), ташкилий компоненти (асосий фаолиятидан ажралмаган ҳолда, турли мезонларга мувофиқ гуруҳларни йўллаш, масофавий ўқитиш ва ҳ.к.) ўз ичига олади.

Ушбу такомиллаштириш механизмини амалга ошириш самарадорлигининг мезонлари раҳбарнинг касбий компетенцияси салоҳияти кўрсаткичининг эришилган қиймати билан ҳисобланади. Раҳбарнинг касбий компетенцияси кўрсаткичининг юқори кўрсаткичларига эришиши биринчи психологик-педагогик механизмнинг барча таркибий қисмларини тизимли оптималлаштириш орқали таъминланиши мумкин.

Диссертацияда умумтаълим муассасалари раҳбарларининг малака ошириш курсларида ўқиш жараёнида уларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш қуйидаги ҳолларда:

таълим ҳамда таълим муассасалари раҳбарларининг касбий компетентлигини оширишнинг мақсадли йўналишлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда узлуксиз таълим тизимининг бир қисми сифатида қараш;

ўқув жараёнида ижодий педагогик технологиядан фойдаланилади, шу жумладан, муаммоли маърузалар, ижодий семинарлар ўтказиш ва индивидуал ижодий касбий вазифаларни бажариш;

касбий компетентликни тизимли равишда ривожлантиришга қаратилган «Умумтаълим муассасаси раҳбарининг касбий компетентлигини ривожлантириш» дастуридан фойдаланиш;

таълим муассасалари раҳбарларининг касбий компетентлигини ривожлантириш бўйича доимий мониторинг олиб бориш натижасида самарали бўлиш аниқланган.

Тажриба ишларининг натижалари умумтаълим муассасаси раҳбари учун малака ошириш курсларини такомиллаштириш бўйича юқоридаги таклиф ва тавсиялар самарадорлиги тасдиқлади.

Иккинчи механизм - бу ўз-ўзини ривожлантириш ва касбий салоҳиятни такомиллаштириш бўйича раҳбарнинг фаолияти. Ўзини ривожлантириш ва ўзини такомиллаштириш бўйича раҳбар фаолиятининг хусусияти унинг ташаббускорлиги ва узлуксизлиги билан аҳамиятлидир. Касбий компетентликни оширишнинг ушбу шакли натижаси - бу раҳбарнинг даврий аттестацияси бўлиб, натижада унинг компетентлиги ривожланганлигига эришилади.

Мотивацион омилларнинг ўзаро алоқаси ва раҳбарнинг касбий компетенция салоҳияти даражасини объектив баҳолаш ўз-ўзини ривожлантириш ва ўзини такомиллаштириш жараёнларининг доимий оқимига ёрдам беради. Эътибор беринг, ташқи омиллар (объектив баҳолаш ва сертификатлаш) мотивация даражасининг ошишига ёрдам беради, бу эса ўз-ўзини ривожлантириш ва ўзини такомиллаштириш жараёнларини фаоллаштиради.

Раҳбарнинг касбий салоҳиятини оширишнинг кўриб чиқилаётган механизми менежерда ижтимоий-психологик шахсий фазилатлар

(ташаббускорлик, фаоллик, мақсадга мувофиқлик, касб шарафи ва қадр-қиммати) ривожланган тақдирда самарали бўлади.

Раҳбарнинг касбий компетенцияси салоҳиятини оширишнинг учинчи механизми илғор таълим тажрибасини идрок этиш ва таҳлил қилиш фаолиятидир. Умумий таълим муассасасини бошқариш тажрибаси ва ўқитиш амалиётини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, янгиликни идрок этиш ва таҳлил қилиш бўйича фаолият касбий билим даражаси, шахсий фазилатлари ва тадқиқот қобилиятлари ва ахборот манбаларига кириш даражасига боғлиқ эканлигини кўрсатди.

Касбий билимларнинг юқори даражаси етакчига таълим янгиликларини ва уларни мавжуд ўқув жараёнига самарали татбиқ этиш усулларини топишга имкон беради. Раҳбарнинг шахсий фазилатларини умумийлигидан янгиликни идрок этишда ҳал қилувчи ролни ташаббускорлик, қатъиятлилик, ижтимоий-психологик жасорат, янги нарсаларга интилиш ва бошқалар эгаллайди. Раҳбарнинг тадқиқот қобилиятлари нашр фаолияти, конференциялар, семинарлар, симпозиумларда қатнашиш ва бошқаларда намоён бўлди.

Мавжуд барча имкониятлардан (ташкилий, ахборот, илмий, ижтимоий-психологик ва бошқалар) фаол фойдаланиш умумий таълим муассасаси раҳбарининг касбий компетенциялари салоҳиятини доимий равишда ошириб боришга ёрдам беради. Малакаларнинг ўзлаштирилиши таълим муассасаси раҳбарининг компетентлигини ривожлантиришнинг ташкилий-дидактик моделига мувофиқ таъминланиши мумкин (2-расм).

Ташкилий ва дидактик модел фаолиятни компетентлигини бажариши, жараённинг моҳияти ва фаолияти маҳсули ҳақидаги билимларга, муаммоли шароитларда фаолиятни амалга ошириш тажрибасига, талабанинг самарадорлик мезонлари асосида ўзини ўзи бошқаришига асосланади. Бу эса компетенциянинг жуда ажралмас хусусияти билан боғлиқлигини тасдиқлайди. Моделнинг мақсади таълим муассасаси раҳбарининг компетентлигини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, магистрал элемент, у моделнинг бошқа элементларининг таркибини белгилайди. Мақсадни амалга оширишга қаратилган моделнинг мазмуни «Умумий таълим муассасаси раҳбарининг касбий компетентлигини ривожлантириш» курсининг муаллифлик дастурида акс этган. Модулли тузилишга эга бўлган ушбу курс дастури синергетика ғояси асосида билимларни узатиш эмас, балки билимларни тўлдириш йўлларини эгаллаш ва ўз-ўзини тарбиялаш усуллари, шу туфайли субъективлик принципини амалга оширилишини назарда тутади.

Компетентликни ривожлантириш босқичлари (дизайн, тузатиш, шакллантириш, рефлексив) кўп марта такрорланиши мумкин бўлган шаклни ифодалайди. Ҳар бир босқичда ўқитувчи ва талабанинг вазифалари оқилона амалга оширилди.

Уларнинг билим самарадорлигини, ижодий фаолликни, мотивацион ва шахсий компонентларни ўзлаштиришга қаратилганлиги, яъни. Психологик - педагогик, услубий, инновацион шаклланиши белгилаб олинди. Натижани белгилайдиган тадқиқот, маркетинг, тадбиркорлик ва иқтисодий ва ҳуқуқий

компетенциялар - таълим муассасаси раҳбарининг компетентлигини шакллантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятли. Таълим муассасаси раҳбарининг компетенциясининг ривожланиш даражасини аниқлаш мезонлари натижани белгилайди.

2-расм

2-расм. Умумтаълим муассасаси раҳбарининг малакасини ривожлантиришнинг ташкилий-дидактик модели

Кўриб чиқилаётган шакллар раҳбарнинг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнининг изчиллиги ва узлуксизлиги принципини акс эттиради. Доимийлик касбий компетентликни такомиллаштиришнинг турли шакллари ва турларини кўриб чиқиш орқали амалга оширилади. Узлуксизлик

уларнинг фаолиятининг юқори натижаларига эришиш мотивациясини шакллантириш ва ривожлантириш орқали амалга оширилади. Таклиф этилаётган модел умумий таълим муассасаси раҳбарининг касбий компетенцияси салоҳиятини амалга ошириш йўлларини очиб беришга имкон беради.

Ташкилий-дидактик моделнинг муҳим ва зарур таркибий қисми бу умумий таълим муассасаси раҳбарининг касбий компетенцияси салоҳияти ривожланишининг диагностикаси ҳисобланади.

Дифференциал диагностика тестидан амалий фойдаланиш раҳбарнинг касбий малакасини баҳолаш учун бир қатор диагностик вазифаларини ҳал қилишга имкон беради: муайян босқичида раҳбар фаолиятининг, унинг касбий компетентлигининг ҳозирги даражасини аниқлаш вазифаси, раҳбарнинг кутилаётган фаолиятидаги айрим йўналишлари бўйича касбий компетенцияси даражасини аниқлаш вазифаси (тестнинг айрим қисмларидан мақсадли фойдаланиш), ўз - ўзини диагностика қилиш бўйича касбий компетенциянинг алоҳида гуруҳларини аниқлаш вазифалари, муайян раҳбарлик лавозимига даъвогар номзодларнинг касбий компетенциялари даражасини диагностика қилиш вазифалари, кадрларни мақбул танлаш ва жойлаштириш мақсадида ўқитувчилар таркибининг касбий компетентлигини диагностика қилиш вазифаси.

